

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш хизмати
томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўриқлаш
хизматини кўрсатиш бўйича
ШАРТНОМА**

Самарқанд шаҳри

64/П-сон

2022 йил «21» январь

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Самарқанд вилояти Кўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошлиқ подполковник **Р.М.Номозов** (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) бир томондан Республика Суд Тиббий Экспертиза илмий амалий маркази Самарқанд филиали номидан низом асосида фаолият юритувчи бошлиғи **С.Т.Имомов** (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1-боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи Миллий гвардияси кўриқлаш хизмати, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик кўриқлаши кўринишида, техник кўриқлаш пунктдан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкани кўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. Умумий шартлар

2. Буюртмачи Самарқанд шаҳри А.М.Мотрудий кўчаси 26-уйда жойлашган Республика Суд Тиббий Экспертиза илмий амалий маркази Самарқанд филиали дорихонасини соат 23:00дан 07:00гача ТҚМ орқали кўриқлаш учун (кейинги ўринларда объект деб юритилади) Ижрочига топширади, Ижрочи қабул қилади.

3. Объектнинг кўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник кўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник кўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан кўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни кўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 5 иш куни ичида Миллий гвардияси хизмати кўриқлаш тури йўлга қўйилади.

Объектда соқчилик кўриқлаш тури ва ҳарбийлаштирилган кўриқлаш объектга 5 иш куни ичида йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

3-боб. Тўловларни амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

пост-соат ҳисобида кўриқлаш хизмати ойига **1 715 849 (Бир миллион етти юз ўн беш минг саккиз юз қирқ тўққиз) сўм;**

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда СМЭТА-ҲИСОБИ қайта тузилади ва мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

11. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, 7 кун ичида мазкур Шартнома баҳосининг 15 фоизи миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим қилингандан сўнг Буюртмачи беш кун ичида аванс тўловини чиқариб ташлаган ҳолда ойлик тўловни амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, ойлик тўловнинг 100 фоизи миқдорида аванс тўловини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижрочидан белгиланган кўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижрочидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижрочидан уларни бартараф этишни талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 2022 йил «21» декабр даги кўздан кечириш далолатномасига асосан кўриқлашга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник кўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, кулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

ҳар қандай моддий қимматликларни объект ҳудудининг девор тўсиғидан 15 метр узоқликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор

қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган кўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник кўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, кўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча кўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида 5 кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш куни якунида кўриқлаш сигнализациясини ёқиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда кўриқлашга топшириш. Объектни кўриқлашга топширганлик ҳақида ТҚМни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг кўриқлашга қабул қилинганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик кўриқлашга топшириш, эшиклар кулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном кўриқлаш сигнализациясини ва худуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, кўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнғин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

кўриқланаётган худудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортиментни, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда кўриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни кўриқлашга топшириш, кўриқлаш тугагандан сўнг кўриқлашдан чиқариш;

кўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили ётиб келгунига қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга кўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пулт рақамларини ошкор қилмаслик;

Ижрочи вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш;

15. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

16. Ижрочининг мажбуриятлари:

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ кўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда кўриқлашга топширилган моддий қимматликларни кўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

кўриқланаётган худуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортиментни, ўралган ёки қадоқланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект худудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш; пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктдан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни кўриқлаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан кўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақиритиш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақиритиш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни кўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва кўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан кўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

кўриқланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида Миллий гвардияси кўриқлаш хизмати навбатчи қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Миллий гвардияси кўриқлаш хизмати вакили етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлиқ миқдорда қопланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларида иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли

хужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

22. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

ижрочи шартномага кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса;

қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда; буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6-боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

7-боб. Форс-мажор

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8-боб. Яқуний қондалар

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир. Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

ҳўжалик юритувчи субъектлар бўйича — Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб 2(икки) йил муддатга тузилган бўлиб томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича — белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 2022 йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи ҳўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум

қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

31. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиққан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 30 кун олдин ёзма равишда маълум қилади.

35. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага конун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

Ижрочи

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Самарқанд вилояти Қўриқлаш бошқармаси

Юридик манзили: Самарқанд ш.

Т.Малик кучаси 12 уй

Банк реквизитлари:

МФО: 00022

СТИР: 21596000800470456001

ОКЭД: 84240

“Марказий банк” Самарқанд вилоят бўлими

Бошқарма бошлиғи

Р.М.НОМОЗОВ

(имзо, муҳр)

Буюртмачи

Республика Суд Тиббий Экспертиза илмий амалий маркази Самарқанд филиали

Юридик манзили: Самарқанд шаҳри

А.М.Мотрудий кўчаси 26- уй

Тел: (66) 232-14-65.

Банк реквизитлари:

Х/Р: 100021860184017074920054001

МФО: 00014

СТИР: 200008100

ХККМ: Марказий Банк Тошкент шохба.

Республика Суд Тиббий Экспертиза илмий амалий маркази Самарқанд филиали

Бошқарма бошлиғи

(имзо, муҳр)



2022 йил " _____ " январдаги
№ 64/П-сонли шартномага илова

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Ўз. Рес. Минлий гвардияси Самарқанд вилояти
Кўриқлаш бошқармаси бошлиғи
подполковник

Р.М.Номозов



2022 йил " _____ " январь

СМЕТА-ХИСОБИ

РСТЭИАМ Самарқанд филиали

2022 йил " 21 " январдан бошлаб ТҚМ (ТҚП) ёрдамида кўриқланиши ташкил этиш

Т.Р.	Объектнинг номланиши	Манзили	Дам олиш кунлари	Объект категорияси	Кўриқлаш тури	за см капту	за см капту	Техник хизмат кўрсатиш сони ва суммаси			Кўриқланиш соатлари			Кўриқлаш суммалари			
								Шартли бирл. сони	Битта шартли бирл. сони	Жами шартли тех. бирл. суммаси	Иш кунлари	Дам олиш олди кунлари	Дам олиш охири кунлари	Ойлик кўриқлаш соати	бир соат учун	Ойлик тўлови	Жами ойлик тўлови
1	Аптека	Мотрудий 26	Дам олиш кунисиз	1	2-ТҚП	100 000	7000	3,0	29547	88641	8	8	8	243	6256	1520208	1715849
ЖАМИ						100000	7000		88641							1520208	1715849

ЖАМИ ойлик тўлови: 1 715 849 сўм.

Бир миллион етти юз ўн беш минг саккиз юз кирк тўққиз сўм

Изох: Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ойлик маошлар оширилганда смета-ҳисоби қайтадан тузилади.

ТЕКШИРДИ:

РСТЭИАМ Самарқанд филиали
бошқармаси

ТЕКШИРДИ:

Самарқанд вилоят Кўриқлаш
бошқармаси Марказ бошлиғи

ТЕКШИРДИ:

Самарқанд вилояти Кўриқлаш
бошқармаси МИБ бошлиғи



П.АМОНИЛЛАЕВ

С.ҚОБИЛОВ